

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАННИНГ 28 ЙИЛЛИГИ ВА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БАЙРАМ ТАБРИГИ

**Хурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари!**

### Кадрли юртдошлар!

Ўз ҳаётини Ватанини ҳимоя қилишдек энг улуғ ва олижаноб ишга бағишлаган сиз, азизларни, бутун халқимизни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 28 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ушбу қутлуғ айёмда барчамиз аввало ўз жанговар постиди доимо ҳушёр ва сергак туриб, юртимиз сарҳадларини кўз қорачигидек асраб келаётган мард ва жасур, содиқ ўғлонларимизни, фидойи ота-боболаримизни, ҳақиқий ватанпарвар инсонларни шарафлаб, уларнинг шаънига энг эзгу тилакларимизни изхор этамиз.

Ана шундай ботир ва жонқуяр фарзандларни тарбиялаб вояга етказган хурматли ота-оналарга, ҳарбий хизматчиларимизга ўз муқаддас бурчини адо этишда ҳамisha тоғдек таянч бўлиб келаётган уларнинг оила аъзоларига чукюр миннатдорчилик билдираман.

Армиямизнинг куч-қудрати ҳарбий хизматчилар билан бутун жамятимизнинг бирлиги ва ҳамжихатлигида, десак, айна ҳақиқатни айтган бўлаемиз.

Мана шундай буюк маънавий қудрат манбаи бор экан, ҳеч қандай ёвуз куч Ўзбекистон мустақиллигига, тинч ва осуда ҳаётимизга раҳна сололмайди, бизни демократик ўзгартишлар йўлидан ортага қайтара олмайди.

### Мухтарам дўстлар!

Ватанимиз мустақиллиги, халқимизнинг тинч, эркин ва фаровон ҳаётининг мустаҳкам кафолати бўлган Ўзбекистон Қуролли Кучлари ўтган 28 йилда гоёт мураккаб ва айна пайтда шонли шаклланиш йўлини босиб ўтди.

Айниқса, кейинги йилларда олиб борилаётган туб ислохотлар натижасида миллий армиямиз ҳар қандай хавф-хатарга муносиб зарба бера оладиган қудратли, тезкор ва самарали кучга айланиб бормоқда.

Минтақамизда очкилик ва миллий манфаатларни ўзаро ҳисобла олиш тамойилларига асосланган янги сиёсатни амалга ошириш доирасида Қуролли Кучларимиз Марказий Осиёнинг барча мамлакатларидаги ҳамкасблари билан яқин шериклик алоқаларини ўрнатди ва мустаҳкамламоқда. Сўнгги йилларда биз бир қатор қўшма ўқув машғулотларини биргаликда ўтказдик. Шунингдек, юқори даражадаги ҳарбий делегацияларнинг ташрифларини ташкил этдик, тезкор ва жанговар тайёргарлик борасида тажриба алмашдик.

Бизнинг тобора кучайиб бораётган бундай ҳамкорлигимиз бугунги кунда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни, Марказий Осиё деб аталмиш умумий уйимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг муҳим омилга айланиб бормоқда.

Дунёдаги энг юксак стандартлар даражасида ташкил этилган улуксиз ҳарбий таълим тизими изчил ривожланмоқда. Ҳозирги пайтда янгитдан тузилган, моҳият эътибори билан ноёб бўлган Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти мамлакатимизнинг замонавий олий таълим муассасалари қаторидан муносиб жой эгаллади.

Шу билан бирга, бошқаруving тезкор-стратегик бўлинида хизмат қиладиган офицер кадрларни тайёрлайдиган янги факультет ташкил этилди, Қуролли Кучлар академиясида кўшимча таълим инфратузилмалари фойдаланишга топширилди. Махсус вазибаларни ба-

жарадиган бўлинмалар учун ҳарбий хизматчилар тайёрлайдиган ўқув марказини ташкил этиш жараёни ниҳоясига етказилмоқда. Миллий гвардиянинг Ҳарбий-техник институти фаолиятини такомиллаштириш бўйича катта ишлар олиб борилмоқда.

Жанговар тайёргарликнинг модернизация қилинган, мослашувчан тизимини жорий этиш билан уйғун ҳолда, Қуролли Кучларнинг янги ташкилий тузилмага ўтказилиши миллий армиямизнинг жанговар тайёргарлиги ва жанговар қобилиятини бир неча баробар оширди.

Бугунги кунда бизнинг ҳарбийларимиз ўзларининг профессионал тайёргарлик даражаси бўйича жаҳондаги етакчи мамлакатлар армияларининг ҳарбий хизматчиларидан асло қолишмаслигини сўзда эмас, амалда исботламоқда. Халқаро ҳарбий ўқув мусобақаларида, армиялар ўртасидаги ва спорт беллашувларида Ўзбекистон вакиллари ўзларининг маҳорати, руҳан бақувватлиги, галабага бўлган иродасини намоён этмоқда, буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари эканликларини яққол кўрсатмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчаси бутун Ўзбекистон халқида, айниқса, ёшларимизда миллий армиямиз билан фахрланиш туйғусини, Ватан ҳимоячисидек шарафли касбга хурмат-эҳтиром ҳиссини уйғотмоқда.

Миллий армиямизни қурол-яроғ ва бошқа зарур воситалар билан таъминлашга қодир бўлган мудофасаноат комплексимизни янада ривожлантириш бўйича вазибалар босқичма-босқич ҳал қилинмоқда.

Чирчик авиация таъмирлаш заводи ва жанговар ўқдорилар ишлаб чиқарадиган корхонанинг модернизация қилингани ва техник қайта жиҳозлангани бунга яққол мисол бўла олади, уларда қайта ташкил этилган илмий-техник салоҳият эса мазкур тармоқларда илмий-ишлаб чиқариш кластерларини шакллантиришнинг асосига айланиб бормоқда.

Иқтисодиётнинг тўлақонли мудофасаноат секторини шакллантириш бўйича амалга ошираётган ишларимиз яқин истиқболда нафақат миллий армиямизни қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш, балки қўшимча иш ўринлари яратиш, шунингдек, мамлакатимиз иқтисодиётини диверсификация қилиш имконини ҳам беради.

Халқ ва армия ўртасида ишончли кўприкка айланган ҳарбий-маъмурий секторлар фаолиятида муайян ютуқлар кўзга ташланмоқда. Ушбу секторлар ташкил этилганидан буён **"Халқ ва армия – бир тану бир жондир"** деган шпор остида ҳарбий инфратузилмаларни модернизация қилиш ва тўлқаниб қолган ижтимоий муаммоларни ҳал этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Ҳарбий шаҳарчалар замонавий қиёфага эга бўлди, моддий таъминот хизматлари соҳасига аутсорсинг тизими жорий этилди. Ўтган уч йил давомида **8 миң**дан зиёд ҳарбий хизматчилар оилаларини қулай ва шинам квартиралар билан таъминлаш учун **275 та** кўп қаватли уй-жой барпо этилди, ҳарбий хизматчиларнинг аёллари учун қарийб **600 та** янги иш ўрни яратилди, **1 миңг 900 нафар** ҳарбий пенсионер ишга жойлаштирилди.

Армиямиз униб-ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик ва она юртга муҳаббат, миллий қадрият ва анъаналаримизга хурмат, шонли тарихимизни чуқур билиш руҳида тарбиялаш борасидаги ишларга фаол киришганини алоҳида қайд этишни истардим. "Ватанпарвар" ва "Фахрийлар" сингари ташкилотлар, шунингдек, Мудофасаноат вазирлиги қошидаги Жамоатчилик кенга-

ши ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашни янада кучайтириш ҳамда уларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш бўйича гоёт зарур бўлган ишларни биргаликда давом эттиради, деб ишонаман.

Шу ўринда Қуролли Кучлар фаолияти устидан фуқаролик назоратини кучайтириш зарурлигини таъкидламоқчиман. Бугунги кунда мамлакатимиз парламенти ўзининг кенгайтирилган ваколатлари доирасида "Мудофасаноат доктринаси тўғрисида"ги қонун ва мудофасаноат ҳиссадаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини назорат қилмоқда. Ўтган йили Олий Мажлис Сенати томонидан Қуролли Кучларнинг қурилиши ва ривожланиши, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизмати ўташига доир долзарб масалалар юзасидан ҳарбийлашган вазирилик ва идоралар раҳбарларининг маърузалари бир неча бор эшитилганини таъкидлаш лозим.

### Кадрли юртдошлар!

Жаҳондаги вазият шиддат билан ўзгариб, дунёнинг айрим минтақаларида аҳвол кескинлашиб, халқаро терроризм ва экстремизм хавфи ортиб бораётгани билан халқаро ва минтақавий вазиятни ҳар томонлама таҳлил ва прогност қилишни, мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш, Қуролли Кучларимизнинг жанговар тайёргарлиги ва салоҳиятини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни кўришни талаб этмоқда.

Давлат чегараларини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш тизимини янада мустаҳкамлаш, қўшинларни бошқариш тизимини такомиллаштириш, жанговар тайёргарликни ташкил этиш самарадорлигини ошириш, Қуролли Кучларни энг янги қурол-яроғ ва техникалар билан таъминлаш, мамлакатимиз мудофасаноат комплексини ривожлантириш бўйича фаол олиб борилаётган ишларни изчил давом эттириш зарур.

Биз юқори малакали ҳарбий кадрлар тайёрлаш, ўқув-тарбия жараёнларида илғор хорижий таҳрибаларни, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга, шунингдек, ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари ҳамда Қуролли Кучлар фахрийларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилишга бундан буён ҳам биринчи даражали аҳамият қаратамиз.

### Хурматли дўстлар!

**Ватанимизнинг мард ва жасур ҳимоячилари!** Ушбу қутлуғ байрам кунларида ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Галабанинг 75 йиллигини нишонлаш арафасида ўз ҳаёти эвазига дунё халқларининг озодлиги ва эркинлигини сақлаб қолишга эришган голиб аждодларимизга юксак хурмат ва эътибор кўрсатиш қанчалик муҳим эканини барчамиз ҳар қачонгидан ҳам чуқур ҳис этиб, бу борада катта амалий ишларни амалга оширмоқдамиз.

Сиз, хурматли ҳарбий хизматчиларга – аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийларига Ватанимизга сидқидилдан хизмат қилишдек шарафли вазифани адо этишда мустаҳкам соғлиқ, улкан муваффақиятлар, куч-ғайрат, оилаларингизга эса янги – 2020 йилда фойз-барака ва бахт-саодат ёр бўлишини тилайман.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Президенти,  
Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондониди

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг  
ФАРМОНИ  
**Р. Қ. ХОЛМАТОВНИ**  
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ  
ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ  
ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ Холматов Рустам Қурбонназарович Тошкент вилояти ҳоқими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,  
2020 йил 13 январь

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг олтинчи қаҳириқ биринчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Арипов иштирок этди.

Депутатлар сессия котиби, кун тартиби, регламентини овоз бериш йўли билан тасдиқлашди.

Сессияда 2019 йил 22 декабрда ўтказилган Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари сайлови яқунлари бўйича вилоят сайлов комиссияси раиси Ж. Насриддиновнинг ахбороти тингланди.

Қайд этилганидек, сайлов Тошкент вилоятида ҳам кўтаринки руҳда, демократик тамойиллар асосида ўтди. Яқуний натижаларга кўра, Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига 60 нафар депутат сайланди. Уларнинг 18 нафари Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, 19 нафари Ўзбекистон Халқ демократик партияси, 11 нафари Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, 8 нафари Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, 4 нафари Ўзбекистон Экологик партияси вакиллари дидир. Депутатларнинг 15 нафарини хотин-қизлар ташкил этди.

Сессияда депутатлар Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг Регламенти ва доимий комиссиялари тўғрисидаги Низомни, Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сиёсий партиялардан сайланган депутатларнинг партия гуруҳларини рўйхатга олиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг Регламенти ва доимий комиссиялари тўғрисидаги Низом. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг доимий комиссиялари сони ва вазибалари тасдиқланди. Барча партиялардан сайланган депутатларнинг партия гуруҳлари рўйхатга олинди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Тошкент вилояти ҳоқими лавозимига тақдим этилган номзодни тасдиқлаш масаласи кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Арипов Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Тошкент вилояти ҳоқими лавозимига 36- "Оққўрғон" сайлов округидан сайланган депутат Холматов Рустам Қурбонназарович номзодини Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши сессияда тасдиқлаш тўғрисида тақдимнома киритилганлигини билдирди ва уни ўқиб эшиттирди.

Сўнгра мазкур масала юзасидан Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашидаги партиялар гуруҳ раҳбарларининг фикр-мулоҳазалари тингланди.

Депутатлар Холматов Рустам Қурбонназарович номзодини бир овоздан қўллаб-қувватлаб, Тошкент вилояти ҳоқими лавозимига тасдиқладилар.

Шу билан Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг олтинчи қаҳириқ биринчи сессияси ўз ишини яқунлади.



Бутун мамлакатимизда бўлганидек, вилоятимизда ҳам Ватан ҳимоячилари куни ҳамда мамлакатимиз Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 28 йиллиги кенг нишонланди. Мазкур байрамни тантана қилиш орқали халқимиз, айниқса, униб-ўсиб келаётган ёш авлодни юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялашга ҳар қачонгидан катта эътибор қаратилаётганининг замирида жуда теран муно бо. Зотан, бу қутлуғ байрам тинчликпарвар ва юртсевар халқимиз ҳаётидан аллақачон чуқур ва мустаҳкам ўрин олиб ўлгурди.

## БУРЧГА САДОҚАТ – МАНГУ САОДАТ

Ҳар гал бу санани тантана қилиш асосида бугунги тинч ва осойишта ҳаёт қадрини, Ватан туйғусини, эл-юрт олдидаги фарзандлик бурчимизни теранроқ англаймиз, тинчликни, она дибери-миш сарҳадларини кўз қорачигидек асраш ҳар биримизнинг фарзандлик бурчимиз эканини юракдан ҳис этамиз.

Вилоятнинг бу галги асосий байрам тантаналари Пискент туманидаги "Нурнигор" маросимлар уйида ўтказилди. Байрам тадбирига ўз йигит-

лик бурчини намунавий адо этаётган аскарлар, Тошкент ҳарбий округи офицер ва кўмондонлари, Миллий гвардия, ички ишлар, мудофасаноат, факулда вазиятлар тизими хизматчилари, давлат ва жамоат ташкилотлари фаоллари, фахрийлар ва спортчи ёшлар тақлиф этилди.

Маросимни вилоят ҳоқими Рустам Холматов табриқ сўзи билан очди. Вилоят раҳбари қайд этганидек, кейинги йилларда мамлакатимиз давлат

хавфсизлиги ва барқарорлиги, сарҳадлари дахлсизлигини таъминлаш бўйича тактик ва стратегик вазибаларни самарали ҳал этишга қодир, замонавий, ҳар тарафлама пухта қуролланган, профессионал армияни ташкил этиш ишлари ўзининг юксак босқичига кўтарилди.

Бинобарин, ҳозирги мураккаб даврда Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳиятини юксалтириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, замона-

вий қурол-яроғ ва аслаҳалар билан таъминлаш, ҳарбий хизматчиларнинг жисмоний, маънавий-интеллектуал тайёргарлигини ошириш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш энг устувор вазибалар сирасидандир.

Чиндан ҳам, соҳа ривожига амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар самараси ўларок, Ўзбекистон ҳақиқи равишида дунёда энг кучли армияга эга давлатлар қаторидан жой олди.

Давоми 2-бетда ➡

# ВАТАНПАРВАРЛИК — МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ КАФОЛАТИ

Мамлакатимизда қабул қилинган "Мудофаа доктринаси", соҳага доир қонун ва қарорлар, ҳудудларда ҳарбий-маъмурий секторлар фаолиятининг йўлга қўйилиши Миллий армиямизнинг қиёфаси ва жанговар имкониятлари билан бирга ҳарбий жамоалардаги маънавий-ахлоқий муҳитни тубдан юксалтирмоқда. Бу ислохотлар, ўз навбатида, ёшларимизда Миллий армиямиз билан фахрлиниш туйғуларини янада кучайтиришга хизмат қилаётган.

Маросимда мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги, халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётининг мустақам қалқони бўлиб қолган соҳа вакиллариغا вилоят ҳокимининг Фахрий ёрлиғи ва эсдалик совгалари тортиқ этилди. Тадбирнинг яна бир ҳаяжонли қисми — вилоят ҳокими томонидан хизмат бурчини ўтаётган вақтда ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларига

Бошланиш 1-бетда



## БУРЧГА САДОҚАТ — МАНГУ САОДАТ

5 миллион сўмдан пул маблағи ва замонавий ноутбуклар тўғрисида қилинган маросим иштирокчилари олқиш ва чуқур миннатдорлик билан қарши олдилар.

Дарвоқе, ёшларни чинакам ватанпарварлик ва юртга садоқат руҳида камол топтириш, Ватанимиз шон-шухратини халқаро майдонлар узра янада юксалтиришда спортнинг ўрни беқиёс. Вилоятимизда спортчи ёшлар мунтазам рағбатлантирилиб, уларни улғувор марралар сари руҳлантириш кейинги пайтлар










хайрли аъёнага айланди. Ана шу эзгу таомилга кўра, Олимпиада ва паралимпия мусобақаларига йўлланмаларни қўлга киритган бир гуруҳ вилоятимиз спортчиларига ҳам байрам баҳона вилоят ҳокимининг эсдалик совгалари топширилди.

— Миллий Армиямиз сафларида хизмат қилиш ҳар бир эр йигит учун чинакам шон-шараф ишига айлангани рост, — дейди тадбир иштирокчиси, Тошкент ҳарбий округи таркибидagi ҳарбий қисм командири Исмоил Кур

банов. — Айниқса, бугунги байрам кечасида Ватан олдидаги камтарона хизматларим вилоят ҳокимининг Фахрий ёрлиғи ва эсдалик совгаси билан тақдирлангани кучимга куч, гайратимга гайрат қўшди. Ишонтириб айтаманки, қисимиздаги ҳарбий хизматчиларда юксак ватанпарварлик туйғуларини мустақамлаш, уларни она юртга садоқат ва муҳаббат руҳида тарбиялаш, интеллектуал билим даражаларини ошириш, бир сўз билан айтганда, Қуроли Кучларимизнинг жанговар салоҳияти юксалишига хизмат қилиш бундан кейин ҳам ҳаётим мазмуни бўлиб қолади.

Байрам кечасига юртимиз санъат усталари ва вилоят маданият бошқармаси тизимидаги бадиий жамоалар, ижрочи ёшлар томонидан тайёрланган катта концерт дастури алоҳида файз бағишлади.

Алишер РАҲМАТОВ,  
"Тошкент ҳақиқати" мухбири  
Аброр ЭСОНОВ  
олган суратлар



## ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Олмалик шаҳар ҳокимлиги томонидан "Тоғмаҳал" тантаналар мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларининг 28 йиллиги ҳамда Ватан Ҳимоячилари кўни муносабати билан миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари, ички ишлар, мудофаа ва фавқулодда вазиятлар бўлими ходимлари учун байрам тадбири ташкиллаштирилди.



Байрамона дастурхон атрофида ҳарбийлар билан бирга уларнинг оила аъзолари, ҳарбий хизматда йигитлик бурчини адо этаётган аскарларнинг оналари ҳам иштирок этишди.

Шаҳар маданият бўлими ҳамда ҳарбий қисмларнинг махсус гуруҳлари томонидан тайёрланган бадиий ва ҳарбий кўргазмалари чиқишлар барчага манзур бўлди.

Тадбирда, шунингдек, бир гуруҳ ҳарбийларга шаҳар ҳокимининг фахрий ёрлиғи ҳамда қимматбаҳо совгалари топширилди.

**ПИСКЕНТ.** Эрта тонгдан Хотира майдонига туман мудофаа, ички ишлар ва фавқулодда вазиятлар бўлимлари, ҳарбий қисм аскар ва зобитлари, аҳоли ҳамда ёшлар йиғилдилар.

Иштирокчилар "Мотасаро она" ҳамда "Номаълум аскар" монументлари пойига гулчамбарлар қўйиб, Иккинчи жаҳон урушида Ватан Ҳимояси йўлида жон фидо қилганлар хотирасига ҳурмат бажо келтирилди.

Байрам маросими "Рисолат она" тантаналар мажмуасида давом этди.

**ОЛМАЛИК** шаҳридаги "Металлург" маданият саройи майдонига "Ватанни кўриқлаш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиздир!" номли байрам тадбири бўлиб ўтди.

Давлат мадҳияси садолари остида бошланган тадбирда ҳарбий хизматчиларнинг чиқишлари, ҳарбий техникаларнинг жанговар тайёргарлиги намойиш этилди.

**ЮҚОРИ ЧИРЧИК** тумани ҳокимлигида Ватан Ҳимоячилари кўни муносабати билан Афғонистон Республикасида ўз байналминал бурчини шараф билан ўтаган бир гуруҳ офицерларга "Афғонистон Республикасида Совет қўшинлари олиб чиқилганлигининг 30 йиллиги" юбилей нишонлари топширилди.

Шунингдек, Хотира хиёбонида "Мотасаро она" ҳамда "Уч Аскар" монументлари пойига гулдастлар қўйилди.

**Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ОКҚЎР-ҲОН** тумани кенгаши ташаббуси билан тумандаги 48-умумий ўрта таълим мактабида "Ёшлар паради" ташкил этилди.

Ватанпарварлик ойлиги доирасида ташкил этилган мазкур парадда мактаблар ва касбухона коллежларидан келажақда ҳарбий соҳани эгаллашга қизиққан 600 нафардан ортиқ ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Тадбирда плакатлар ва қурол аслаҳани йиғиш танлови ҳамда "Ёшлар кубоги" мусобақасининг финал босқичи ўтказилди.

"Ҳарбий соҳага қизиқмаган йигит бўлмаса керак, ҳарбий қуроолар ва уларнинг тузилишлари ҳақида илгари фақатгина армия хизматига боргандагина билар эдик".

Бундай фикрлар ЧИНОЗ туманида Ватан Ҳимоячилари кўни муносабати билан ўтказилган тадбирда айtilди.

"Ватан Ҳимояси йўлида барчамиз масъулмиз" шиори остида ўтказилган очиқ эшиклар кунинда тумандаги 800 нафардан зиёд ёшлар иштирок этди.

**БҮКА** тумани ҳокимлиги биноси майдонига "Ватанпарварлик — миллий юксалиш кафолати!" шиори остида тадбир ташкил этилди.

Тадбирда ҳарбий хизматчиларнинг тантанали кўриги, жанговар тайёрлиги, ҳарбий техникалар намойиш этилди. Шунингдек, бир гуруҳ ҳарбийларга фахрий ёрлиқ ва эсдалик совгалари топширилди.

Тадбирдан сўнг аскарлар ва ёшлар Ахборот-кутубхона марказига саёҳат уюштирилди.

Ҳудудий ахборот хизматлари хабарлари асосида тайёрланди

Ватанни муқаддас, деб билган инсон борки, унинг бугунги ютуқларидан қувонади, эртанги келажақдан қайғуриб яшайди. Зеро, юрт тақдир халқ тақдирини билан чам-

барчас боғлиқ. Шу маънода, Ватанимиз оқсоқулларини таъминлашдек шарафли ишга ўз ҳаётини бахшида этган инсонлар меҳнати ҳар қанча эътирофу рағбатга лойиқ.

## ШАРАФЛИ ХИЗМАТ ЭЪТИРОФИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 январдаги "Ватан Ҳимоячилари кўни ва Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ташкил этилганнинг 28 йиллиги муносабати билан ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ мамлакатимиз мудофаа қудрати ва ҳарбий техник салоҳиятини юксалтириш, давлат хавфсизлиги ва чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш, профессионал миллий армияни шакллантириш, ҳарбий хизмат нуфузини оширишдаги катта хизматлари, шунингдек, жамоат тартибини сақлаш, тинчлик ва оқсоқулликни мустақамлаш, фуқароларнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасидаги самарали меҳнати, хизмат бурчини бажаришда мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани, ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, юқори малакали ва маҳоратга эга кадрларни тайёрлаш ишларига қўшган му-

носиб хиссаси учун бир қанча юртдошларимиз давлатимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллар билан мукофотландилар.

Улар орасида вилоятимиз вакиллари ҳам кўпчилики ташкил этиши қувонарлидир.

Кўни кеча Нурафшон шаҳрида мазкур мукофотларни топширишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда ўз йигитлик бурчини намунали адо этаётган аскарлар, Тошкент ҳарбий округи офицер ва қўмондонлари, Миллий гвардия, ички ишлар, мудофаа, фавқулодда вазиятлар тизими хизматчилари, давлат ва жамо-

ат ташкилотлари фаоллари, фахрийлар ва ёшлар иштирок этишди.

Тадбирда иштирок этган вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Одилхон Рустамов йиғилганларни мамлакатимиз Қуроли Кучлари ташкил топганининг 28 йиллиги ҳамда Ватан Ҳимоячилари кўни билан табрикланди ва давлат мукофотларини тантанали вазиятда топширди.

Шунингдек, маросим қатнашчилари вилоят марказидаги Хотира майдонига ташриф буюриб, Мотасаро она ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишди.



Нозимжон ИСРОИЛОВ олган сурат

## ТОҒЛАР БАҒРИДА ҲАРБИЙ ШАҲАРЧА



Ватанимиз мустақиллиги, унинг ҳудудий яхлитлиги, чегараларимиз дахлсизлиги, халқимизнинг тинч ва оқсоқул ҳаётини ишончли ҳимоя қилоётган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш, ҳарбий шаҳарчалорда зомон талабларига жавоб берадиган ижтимоий-маиший шароитлар яратилган алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Оҳангарон тумани кўши Тоҳикистон Республикаси билан ажратиб турувчи Курама тоғ тизмалари ён бағрида бунёд этилган кичкина ҳарбий шаҳарча ҳам соҳадаги ислохотларнинг намунаси бўлди.

Ҳудудимизда жойлашган, ДХХ Чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисм хизматчиларидан 8 нафарига мазкур шаҳарчадаги замонавий (коттеж типиди) уйларнинг қалитини топшириш маросими ҳақиқий байрамга айланиб кетди. Энди оилалар қулай шароитларга эга бўлган, тўлиқ жихозланган уйларда исти-

қомат қилишади. Шаҳарча ҳовлисида болалар майдончаси ҳам барпо этилган.

Умумий қиймати 4 млрд.



## МОЗИЙ ИСТЕҲКОМИГА САЁҲАТ

Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ташкил этилганнинг 28 йиллиги ҳамда Ватан Ҳимоячилари кўни муносабати билан "Ватанпарварлик — миллий юксалиш кафолати!" шиори остида ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирларнинг навбатдагиси Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят кенгаши томонидан ташкил этилди.

техникалар билан танишишди. Айниқса, билим юрти курсантлари томонидан намойиш этилган ҳарбий чиқишлар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Шунингдек, Қибрай туманидаги хизмат вақтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларидан хабар олиниб, уларга Республика "Маҳалла" хайрия жамоат фонди томонидан ноутбук ва рангли телевизорлар топширилди.

Ўз мухбиримиз



Тадбир доирасида ўрта Чирчиқ ва Юқори Чирчиқ туманида истиқомат қилувчи кам таъминланган оилаларнинг 110 нафар фарзандларининг Қуроли Кучлар музейига саёҳати уюштирилди. Бундай саёҳатлар ёшларнинг миллий армияга бўлган ишончини ошириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Вилоят маҳаллалар кенгаши томонидан ватанпарварлик ойлиги доирасида Чирчиқ олий танк қўмондонлик муҳандислик билим юртида ҳам тадбир ўтказилди. "Қуроли Кучларнинг фуқаролик жамиятида тутган ўрни ва роли" мавзусида бўлиб ўтган тадбирда 250 нафарга яқин ёшлар билим юрти фаолияти, ундаги ҳарбий



# БИНОКОРЛАР МАЛИКАСИ

Бугун юртимизнинг қай гўшасига борманг, янги ишлаб чиқариш корхоналари, ижтимоий объектлар, мухташам тураржойлар, йўл ва кўприклар барпо этилаётганига кўзингиз тушади. Бу ушам бунёдкорликлар замирида, албатта, олижаноб касб эгалари – қурувчиларнинг фидокорона меҳнатлари мужассам.

## Орамиздаги одамлар

**Айниқса, қурувчи аёл киши бўлса, унинг меҳнати икки қарра таҳсинга сазовордир.**



Ёшлиги Бўстонлик туманининг мафтункор тоғлари бағрида ўтган Сайёра ота-онасида Тошўлат муаллим дея таъниланган оила бошининг бешинчи фарзанди.

сир-синаотларини кунт билан ўрганди.

Қаранг, орадан 30 йил ўтиб, аниқроғи, 2013 йилда Сайёранинг болалиқдаги орзуси амалга ошди. "Тошўлат строй инвест" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қурилиш компаниясига раҳбар бўлган қахрамонимизга Бўстонлик тумани "Қўшқўрган" қишлоғида намунали лойиҳалар бўйича уй-жойлар қуриш объектларини қуриб, фойдаланишга топширди. 2017 йилда Янгийўл туманида янги лойиҳалар бўйича 20 та 2 қаватли намунали уйлар, шунингдек, ҳарбийлар учун кўплаб қурилиш объектларини қуриб, фойдаланишга топширди. 2017 йилда Янгийўл туманида янги лойиҳалар бўйича 20 та 2 қаватли намунали уйлар, шунингдек, ҳарбийлар учун кўплаб қурилиш объектларини қуриб, фойдаланишга топширди. 2017 йилда Янгийўл туманида янги лойиҳалар бўйича 20 та 2 қаватли намунали уйлар, шунингдек, ҳарбийлар учун кўплаб қурилиш объектларини қуриб, фойдаланишга топширди.

2017 йилда Янгийўл туманида янги лойиҳалар бўйича 20 та 2 қаватли намунали уйлар, шунингдек, ҳарбийлар учун кўплаб қурилиш объектларини қуриб, фойдаланишга топширди. 2017 йилда Янгийўл туманида янги лойиҳалар бўйича 20 та 2 қаватли намунали уйлар, шунингдек, ҳарбийлар учун кўплаб қурилиш объектларини қуриб, фойдаланишга топширди.

– Кенг кўламдаги бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари натижасида шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси кун сайин гўзаллашиб бормоқда, – дейди Сайёра Эргашева. – Бу жараёнда бизнинг ҳам ҳиссамиз борлигидан фахрланамиз. Янги уйларга кўчиб кираётган хонадон эгаларининг юз-кўзидаги қувончини кўрганимда, қурувчилик касбини танлаганимдан, эл қорига яраётганимдан қувониб кетаман. "Қурувчилик аёлларга

хос касб эмас", дея аҳдидан қайтаришга ҳаракат қилганларга касбим ортидан кадр топаётганимни меҳнатларим билан исботлагим келаверади. Ҳаётда мени тушундирган, қўллаб-қувватлайдиган турмуш ўртоғим, оилам борлигига шукроналар айтаман.

Аллома АЗИЗОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири Мансур ХИММАТОВ олган суратлар

## Шижоат

Ҳарбийлар ҳаёти қизик, тезкор ва масъулиятли. Аммо, ҳарбий хизматдоғилар учун соғлиқ ҳам жуда муҳим.

Қуролли Кучлар сафидан соғлиги туфайли хизматдан бўшатишган Қудрат Раҳимов доволангач, Уй-жой, коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг тавсияси билан Олмалиқ шаҳар уй-жой, коммунал хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи лавозимига тайинланди. Ўтган йилнинг ноябрь ойидан бери ўтган қисқа вақт ичида янги ишини масъулият билан бажаришга ҳаракат қилаётти.

## ЗАХИРАДАГИ ЗОБИТ ҲАМОН ХИЗМАТДА

Қудрат Раҳимов билан учрашиш учун борганимизда, навбатда одамлар кўплигидан хонасига киролмадик. У киши икки аёлниинг муаммосини ҳал қилиш ҳаракатида экан. Ҳизматини таништириб, қабулда иштирок этиш учун изн сўрадик. Қоронги тушса ҳам келувчиларнинг охири кўринмас эди.

– Ширкатлар билан аҳоли ҳамжиҳати?

– Келишолмайдиганлар ҳам бор. Ўзингиз кўрдингиз. Ҳозир қиқиб кетган Шаҳноза опанинг шикоятига қараганда, яшайдиган уйининг юқори ва пастки қаватидаги хонадонларнинг ўлчами ҳар хил. Икки қаватли 74 метр квадратга, опа эса 94 метр квадрат учун тўлов қилишар экан. Ширкат бошлиғи Фотима Жўраевадан сўрасам, қадарда кўрсатилгани мен учун асос, дейди. Биргаликда бу масалани ҳал қилдик. Хуллас, 85 фоиз муаммоларни жойида ҳал қилса бўлади. "Ҳа" деса юқориға ёзадиганлар, жанжал қиладиганлар ҳам бор.

– Ҳарбий қисмга командир бўлгансиз. Катта офицер унвонидасиз. Энди эса халқ ичига кирдингиз, қийин бўлмаяптими?

– Дарҳақиқат, кўниқшим қийин кечди. Аммо, ҳарбийлар қийинчиликдан қочишмайди. Менга шаҳар ҳокимлиги, вилоят уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси мутахассислари яқиндан ёрдам беришмоқда. Бўлимимиз бошқармаси мутахассислари яқиндан ёрдам беришмоқда. Бўлимимиз бошқармаси мутахассислари яқиндан ёрдам беришмоқда.

– Қиш мавсуми қандай ўтапти?

– Очиғи, мавсум жуда оғир бошланди. Иссиқлик берилган куннинг ўзидаёқ Ибн Сино ва 5/2 мавзеларида иссиқлик узатувчи қувур ёрилиб кетди, 20 кун одамлар совуқдан азият чекишди. 2 та уй иссиқлик манбаидан умуман узиб қўйилган экан. Яна 2 та уйнинг томини зудлик билан ёпишга тўғри келди. Ҳокимият ажратган маблағ билан муаммолар ҳал этилди.

Тошкент вилояти Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси Ахборот хизмати

## Офарин!

Пойтахтимизда 2004-2005 йилда туғилган ўсмирлар ўртасида бокс бўйича фахрийлар шарафига ўтказилган Халқаро турнир ўз ниҳоясига етди.

## ШОҲСУПАДА ОЛМАЛИҚЛИК БОКСЧИЛАР

Унда Россия, Қозоғистон, Тожикистон, Ўзбекистоннинг 12 вилояти ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг спортчилари баҳс олиб боришди.

Мазкур халқаро турнирда Олмалиқ шаҳар Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийси Озод Хасановнинг шогирдлари Шохрух Абдумаликов, Самандар Тошпўлатовлар олтин медаль соҳиб бўлишди. Суннатилло Абдурахимов эса қумуш медаль билан қифояланди.

Хабарингиз бор, 2018 йил 1 январдан "Ягона дарча" марказлари Довлат хизматлари марказларига айлантирилди. Бу тизим жисмоний ва юридик шахсларнинг идора-идора сарсон бўлиши ва ортиқча вақт сарфлашига чек қўйди. Эндиликда фуқаролар эмас, балки ҳужжатлар ҳаракатланиши асосий тамойил этиб белгиланди.

## Давлат хизматлари:

### КЕНГ ИМКОНИАТЛАР МАРКАЗИ

Эндиликда тезкорлик, шаффофлик ва қулайлик мезони асосида фаолият олиб бораётган давлат хизматлари марказлари одамлар ишончини қозониб улгурди. Буни кундан-кунга марказга мурожаат қилувчилар сони ортиб бораётганида кўриш мумкин. Аввалига, кўрсатилаётган хизматлар 16 тани ташкил этган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 46 минг 760 тага етди.

Шу ўринда, Давлат хизматлари марказига бормай туриб ҳам унинг хизматларидан фойдаланиш мумкин, деган савол туғилади. Албатта мумкин. Бироқ, фуқаролар хизматлари бўйича тўғридан-тўғри давлат идоралари ёки марказга бориб мурожаат қилишни афзал кўришяпти. Фуқароларимиз инновацион аниқликлар, ахборот технологияларидан кенг фойдаланишмаётгани бир оз дилни хира қилади. Ахир, бундай имкониятдан фойдаланиш ҳам вақтингизни, ҳам нақдингизни тежайди. Жумладан, фуқаро Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қилса, давлат бўжи, йиғимлар ва бошқа тўловлар умумий суммадан 90 фоиз миқдорда тўланиши белгиланган.

Шунингдек, давлат хизматлари марказига келишга имконияти бўлмаган фуқароларнинг манзиллини аниқлаб, уларга уйларидан сайёр хизматлар кўрсатиб келинмоқда.

Қасолиддин АСҚАРОВ, Бўка тумани Давлат хизматлари маркази директори

## СИЗ ҚАЙСИ ТОИФАДАСИЗ?

Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуасида янги тахрирдаги Солиқ кодексининг мазмун-моҳияти ва унга киритилган ўзгаришларга бағишланган семинар ўтказилди.

### Семинар

Унда Давлат Солиқ қўмитаси раиси ўринбосари, Тошкент вилояти давлат солиқ бошқармаси бошлиғи, соҳа ходимлари, солиқ тўловчилар иштирок этишди.

Қайд этилишича, республикамизда 2020 йилнинг 1 январидан бошлаб солиқ тизимида Таҳлика таҳлил (Риск анализ) асосида солиқ текширишлари йўлга қўйилди. Муҳим янгиликлардан бири солиқ тўловчиларни 3 сикментга (коридорга), яъни виждонли, шубҳали ва мунтазам ҳуқуқбузарлар тоифаларига ажратилиши белгиланди.

– Тадбиркор самарали фаолият юритиши учун, аввало, ҳар



томонлама дуч келиши мумкин бўлган муаммолардан, ортиқча харажат ва тўсиқлардан ҳимояланган бўлиши лозим, – дейди Давлат Солиқ қўмитаси раиси ўринбосари Мубин Мирзаев. – Ана шундагина ишида ўсиш ва ривожланиш бўлади. Янги қабул қилинган Солиқ кодекси ва соҳадаги ўзгаришларнинг асл моҳияти ҳам шунда. Шунингдек, семинарда сўз олган вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Абдуҷалил Курбанов аввал солиқ тўловчилар солиқ мажбуриятларини ўз вақтида тўламаган тақдирда, уларга пеня



ҳисобланиб ундирилгани, бироқ, солиқ органлари томонидан ортиқча ундирилган пуллар ўз вақтида қайтариб берилмаган ҳолларда ҳеч қандай қоралар қўрилмагани, янги тахрирдаги солиқ кодексида эса бундай ҳолатлар ҳам назарда тутилганини таъкидлади. Семинарда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга атрафлича жавоб олишди.

Вилоят давлат солиқ бошқармаси Жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот шўбаси Аброр ЭСОНОВ олган суратлар

### Эълонлар

#### Хўжалик юритувчи субъектлар диққатига!

Юридик шахслар, юридик шахсларнинг алоҳида бўлинмалари (кичик корхона ва микрофирмалар, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, жамоат бирлашмалари, ижтимоий фондлар, нодавлат муассасалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан ташқари) раҳбарлари ҳамда масъул ходимлари 1-mehnat shakli йиллик (меҳнат) ҳисоботини 1 февралдан кечиктирмай eStat 3.0 автоматлаштирилган тизими орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда тақдим этишлари лозимлиги юзасидан оголантириб ўтамиз. Ҳисоботлар интернет тармоғи воситасида, давлат статистика ҳисоботларини электрон кўринишда йиғини автоматлаштирилган тизими eStat 3.0 орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда тақдим этилади. eStat 3.0 тизимида мавжуд давлат статистика ҳисоботларининг электрон шакли (шаблон) ни Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг www.stat.uz расмий веб сайтдан олишингиз мумкин.

Давлат статистика қўмитасининг олиб бериш учун зарур бўлган ҳисобот ва бошқа маълумотларни ёки ҳисоботларни тақдим этиш муддатларини нотўғри кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Мамбурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 215-моддасида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Тошкент вилояти статистика бошқармаси

### Хусусий эълон

Чиноз тумани Олмазор қишлоқ хўжалик касб-хунара коллежи томонидан 2007 йилда Ташпулатов Дилмурод Турдимуратович номига берилган К № 717812 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

## «ОЧИҚ МУЛОҚОТ КУНИ» ЎТКАЗИЛИШИ ТЎҒРИСИДА Э Ё Л О Н

Республика "Агробанк" акциядорлик тижорат банки раҳбар ходими иштирокида Тошкент вилояти бошқармаси раҳбарияти томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунига асосан жисмоний шахслар, кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорлик соҳа-

си вакиллари иштирокида "Очиқ мулоқот куни" ўтказилиши маълум қилади. Унда банк соҳасига тааллуқли масалалар юзасидан бевосита мурожаат қилсангиз, Сизга амалдаги қонунчилик доирасида жойида тегишли тушунтиришлар, маслаҳат ва амалий ёрдамлар берилди.

### ОЧИҚ МУЛОҚОТ КУНИНИ ЎТКАЗИШ ҲАВДАЛИ:

№	Худуд ва филиаллар номи	Учрашув ўтказиладиган жой	Ўтказиладиган сана					
			12.02.2020	20.02.2020	10.03.2020	25.03.2020	06.04.2020	
<b>Бошқарма бошлиғи Ф. Насриев</b>								
1	Ўрта Чирчиқ	банк биноси	соат 10-00					
2	Пискент	банк биноси		соат 15-00				
<b>Бошқарма бошлиғи ўринбосари И. Раимбеков</b>								
3	Оққўрғон	банк биноси			соат 10-00			
4	Чиноз	банк биноси				соат 15-00		
5	Қўйи Чирчиқ	банк биноси					соат 10-00	
<b>Ўтказиладиган сана</b>								
№	Худуд ва филиаллар номи	Учрашув ўтказиладиган жой	14.04.2020	24.04.2020	12.05.2020	26.05.2020	09.06.2020	25.06.2020
<b>Бошқарма бошлиғи ўринбосари М. Йўлдашов</b>								
1	Охангарон	банк биноси	соат 15-00					
2	Паркент	банк биноси		соат 10-00				
3	Юқори Чирчиқ	банк биноси			соат 15-00			
<b>Бошқарма бошлиғи ўринбосари Ғ. Абдуфаттоев</b>								
4	Бўка	банк биноси				соат 10-00		
5	Бекобод	банк биноси					соат 15-00	
6	Янгийўл	банк биноси						соат 10-00

Маълумот учун тел.: (71) 244-09-82.

"Агробанк" АТБнинг Тошкент вилояти бошқармаси маъмурияти

## Сизни яхши кўраман, Аяжон!



Ассалому алайкум, аяжон! Икки кун олдин хат жўнатганимга қарамай, бугун сизга яна ёзим келди.

Ўзимнинг меҳрибоним! Яхшимисиз, соғлиқларингиз жойдами, кон босимингиз ошма-яптими? Дадам ва сингилларим яхши юришибдимиз? Уйдаги оғир ишлар сизга қолиб кетмади?

Ая, ҳарбий хизматга келиб, жуда кўп нарсаларни тушундим. Энди билсан, сизнинг бағрингизда анчагина эркаланиб кетган эканман. Эсингиздами, ўқишга қиролмай, бир ишнинг бошини тутмай, яна камига синфдошим Мафтунага уйланаман деб, сизни қийнаганларим. Ушанда сиз ва дадам: "Авал

армияга бориб кел, ўқишга кир, ишга жойлаш, уйланиш қочмайди", деб насиҳат қилганингизда ҳаҳлим чиқиб, ҳатто уйдан кетмоқчи бўлганимни эсласам, уялиб кетаман. Сизларнинг маслаҳатингизга кириб, армияга келганимдан энди хурсандман.

Ҳарбий хизмат мени чиниктирмоқда. Ҳатто, ўзим билмаган қобилиятларим шу ерда очилди. Ҳозир спорт билан мунтазам шугулланаман, ҳарбий вазифаларни ўз вақтида бажаришга ҳаракат қиламан. Энг муҳими, тартиб-интизомни, вақтни қадрлашни ўргандим. Аввалига ҳушламай келган бўлсамда, ҳозир ўзимга яраша ютуқларга эришдим. Командирларим мендан хурсанд. Бу ҳаммаси сиз ва да-

дамнинг дуолари билан, албатта.

Ая, қисимиздаги ошпазларнинг таомлари жуда мазали. Аммо, барибир сиз меҳр билан пиширадиган овқатларни жуда соғиндим. Сиз хавотир олманг, ҳарбий қисимизда барча шароитлар бор. Дадам айтгандилар, улар хизмат қилган даврларда армиядаги шароитлар бутунлай бошқача бўлган экан...

Яна кўп нарсалар ҳақида ёзим келаяпти, аммо, машғулотга боришим керак. Аяжон, ўзингизни эҳтиёт қилинг, бизга жуда керак. Сизни жуда яхши кўраман. Сизни кўчоқлаб, ўпиб қолувчи ўғлингиз:

оддий аскар **Жамолдин АБДИЕВ**

## Мени кутасан-а, Гулим!

Салом, Гулираёно!

Яхши юрибсанми, уйдагилар яхшими? Бу аввалгиларидан ташқари, шу ойдаги иккинчи мактубим. Нега хатларимга жавоб ёзмайсан? Эки...

Мен яхшиман. Гарчи кўпчиликнинг энсаси қотган бўлсада, ҳарбий хизматга келиб жуда тўғри қилган эканман. Очиғи, бошида жуда қийналдим, иккиландим. Уйдан, яқинларимдан узокда кўниқшим осон бўлмади. Биласан, ойим эркалаб, еру кўкка ишонмасдилар. Бу ерда спорт билан шугуллана-япман. Бўйим анча ўсди, мушакларим тўлишиб, бакуватлашдим. Хизматни яхши ўтапман, ҳали кўп ютуқларни қўлга киритаман. Мақтанаяпти демасини олийгоҳга ўқишга кириш учун тайёр-



ланапман, балки имтиёз ҳам оларман.

Яқинда укам билан телефонда гаплашгандим. Атрофингда йигитлар ўралашиб, уйингдан совчи аримаётганимиш...

Гулим, биласан сенга болалигимдан меҳр кўйганман. Ўзим ҳам кишлоқнинг шер йигитлариданман. Билиб кўй, сени ҳеч кимга бериб қўймайман. Ҳали хизматни тамомлаб, шундай йигит бўлиб қайтайки, ҳамма ҳайрон қолсин. Уйингдигилар узатиб юборишмоқчи бўлишса, ойимга тайинлайман, совчи бўлиб чиқиб, белги қилиб қўядилар. Фақат сен сўзингда турсанг бўлгани.

Мени кутасан-а, Гулим.  
Сени соғиниб, мактубингни кутиб қолувчи:  
оддий аскар **Сардор АҲМЕДОВ**

Ушбу "Қироатхоналаримиз"-ни ўқиганга дардимиз маълумдир. XX аср бошидаги тараққийпарвар зиёлиларнинг "Турон" жамияти томонидан 1918 йил декабрда Тошкентда илк қироатхона иш бошлаганди. Даставвал қироатхона маҳаллий кишиларнинг ҳаётига этган китоблари ила иш олиб борган. Уша маҳаллар қироатхонага Миллий ишлар халқ комиссарлари, "Иштирокион" газетаси ташкилотчиларидан ва биринчи муҳаррири Ориф Клеблев номи ёдгор бўлсин деб, Миллий ишлар комиссарлиги 10 минг сўм субсидия ажратди.

Ҳомийлар кўмаги ҳамда Миллий ишлар комиссарлигининг кўшимча берган 95 минг сўм маблағи билан қироатхона 1919 йил ноябрига қадар фаолият юритди. Уша йилнинг декабридан Ўлка кутубхонаси таркибига ўтган қироатхонага анча "жон кириб", яхши кунлари бошланди.

Сўнг 1920 йилнинг 1 майдан эътиборан қироатхона Мактабдан иш маориф тарафидан шўъбаси тасарруфига ўтди. "Қироатхона дардимизга яқиндан таниш бу шўъба қарамоғига ўтди, бундан сўнг, албатта, қироатхона йўлга қўйилиб юборилса керак", деб эрта шодланган "турон"чилар умиди пучга чиқди. Эрта суюнган зиёлилар қироатхонанинг Ўлка кутубхонасига қарашли бўлган даврини кўрсатдилар.

Очиғи, тарих такрорланади, десалар, кўп ҳам ишонавермасдим. Аммо шундай бўларкан, ҳақроқ. Ҳозирги Нурафшон шаҳрида улкан кутубхона бўлган, десангиз,

ёш-яланлар худдики эртақтинглаётгандай сизга аланлайдилар. Ёши эллик-олтмишга бориб, сочларига қор учқунлаганлар эса "Ростдан ҳам шундаймиди?..." дея бир-бирларига олазарак кўз қиритиб...

### Ўйлаб кўринг!

Жулкунбойнинг "Иштирокион" газетасида "Қироатхоналаримиз" отлиғ мақоласи босилганига шу йилнинг 23 июнида роса 100 йил – 1 аср тўлади.

## Кутубхоналаримиз: қоДИРИЙДАН БУГУНГАЧА



ни ташлашади.

Дарҳақиқат, Нурафшонда каттакан кутубхона бўлган. Кутубхона биноси айна кунда ҳам бор. Бу – бор гап. Тўйтепаннинг тепалиқларидек тупроқ остига кирмагану, аммо ҳозир мавжуд эмас. Дарвоқе, мавжуд: "Турон"чилар қироатхонасидек маорифчилар тасарруфида. Нурафшонда катта бозор яқинидаги мактабнинг бир хона(ча)сида. Ҳозир оти ку-

катта бозор томон борувчи ўткинчию йўловчилардан олади.

Аслини олганда, бу марказ аввалги улкан кутубхонанинг бир бўлағи. Бус-бутун кутубхона ана шундоқ уч марказ(ча)ларга парчаланди. Ана ўша марказ(ча)ларнинг бириси у мактабда, бириси эса ижтимоий-иқтисодий коллежда эди. Бу коллеждан ном-нишон йўқола-

ёзгану бундай марказ ҳоли не кечдийкин – барчамизга мавҳумдир.

Ҳайтовур, кишини қувонтирадигани, Ўрта Чирчиқнинг Уйғур кишлоғида туман кутубхонаси учун бир бино қурилибди. Яқин кунларда кўркам жамолани кўрсак, ажаб эмас. Бироқ...

Бироқ, шу йилдан бошлаб, китоб маҳсулотларига ҳам кўшимча қиймат солиғи (ҚКС) жорий этиларкан. Шу

чоққача китоб савдоси солиқлардан озод қилинган эди... Аниқроғи 2020 йил 1 январгача. Тез фурсатларда китобларнинг нархи ошиши катта эҳтимолга яқин.

Ўқимок учун кутубхоналаримиз ахволи будир, китоб хариди учун нарх шундоқ ҳам оз эмасди... Тагин китобхона машина миндирамиз...

Нон учун икки минг сўмини сотувчига узатиб, қайтимага сақич ё гугурт эмас, бир китоб олинг, ўшанда оммавий китобхонлик бошлангай.

Ҳеч курса, кутубхоналаримизни тафтишдан ўтказайлик, ахволдан огоҳ бўлайлик. Кенгашли тўй таркамас, дерлар. Янги сайланган депутатларимиз ҳам кутубхоналаримиз ахволи хусусида кенгашиб турсалар зиён қилмасди.

Эзгу **МАҚСАДОВ**  
Нурафшон шаҳри

## ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ ЮРТИМИЗ ҲАРБИЙЛАРИ ВА ФАҲРИЙЛАРНИ Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ташкил этилганининг 28 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни билан муборакбод этади.



### Барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт ва омад ёр бўлсин, азизлар!



Туйғу

## ЎМБҲИР ҚОРҶА АЙЛАНҶАН КЕЧА

Қузатади атрофни беҳол,  
Ёлғизликдан зериккан кўча.  
Деразадан боқаман бедор  
Ўмбир қорға айланган кеча.

Қитиқлайди чирок нурлари,  
Болалардек қиқирлаб кулар.  
Кеч кузакнинг сулув хурлари –  
Изғириндан кўрқмаган сулар.

Симёғочлар – мудраган соқчи,  
Совқотган ё олган ҳайфсан.

Сен нимадан турибсан чўчи,  
Кўнглим, нечун бунча ғарибсан?

Безанади бу кўҳна очун,  
Менга кулиб боқар Ҳақиқат.  
Ёрга мактуб ёзишим учун  
Йўллагитти оптоқ саҳифа.

Мен ошиқман, сен ошиқ, кўнглим,  
Ҳижрон доғи кўксимдан ўчар...  
Ёрни илк бор тушимда кўрдим,  
Ўмбир қорға айланган кеча.

Фахриддин ҲАЙИТ



### Қишнинг қайноқ шавқлари

Мансур ҲИММАТОВ сурат-лавҳаси

**ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ**  
**ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА**  
Муассис:  
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир  
**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ**

Манзилимиз:  
111500, Нурафшон шаҳри,  
Тошкент йўли кўчаси, 90.  
Тошкент шаҳридаги  
офисимиз:  
100000, Матбуотчилар  
кўчаси, 32.

Қабулхона:  
Бош муҳаррир ўринбосари:  
Масъул котиб:  
Бўлим муҳаррирлари:  
Эълолар ва ҳисоб-китоб бўлими:  
Электрон почта: toshkentaqiqati@uamail.uz /// th-tp@inbox.ru

Телефонлар:  
(71) 233-84-95, (71) 233-58-85 (факс)  
(71) 233-70-10  
(71) 233-90-82  
(71) 233-38-23, (71) 233-48-08  
(71) 233-65-59, (71) 233-54-10

Тошкент вилояти  
Ахборот ва оммавий  
коммуникациялар бошқармасида  
2011 йил 12 январда 03-001 рақами  
билан рўйхатга олинган.  
Газета «Тошкент ҳақиқати»  
таҳририяти компьютер марказида  
терилди ва Тоҳир Маҳмуджоев  
томонида саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир  
**Кумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА**  
Назоратчи мусаввир  
**Аллома АЗИЗОВА**  
Навбатчи  
**Жавлон ХАЛИЛОВ**